
СЎНГГИ БЕШ ЎЙИНДА ТЎРТ ҒАЛАБА, БИР ДУРАНГГА ЭРИШГАН "НЕФТЧИ" СУПЕРЛИГА ТУРНИР ЖАДВАЛИДА 8-ПОҒОНАГА КЎТАРИЛДИ

Соса Cola Суперлигасининг иккинчи даврасини ўта муваффақиятли ўтказётган Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси футболчилари, сўнгги беш ўйинда тўрт ғалаба, бир дурангга эришиб, очколарини сонини 25 тага етказишди ва турнир жадвалида 8-поғонага кўтарилишди. Иккинчи даврада тўпланган очколар сони бўйича (14 очко) "Нефтчи" Қаршининг "Насаф" жамоасидан сўнг энг яхши натижани қайд этди.

29 август: "Нефтчи" - "Қизилқум" 2:1

8 сентябрь: "Бунёдкор" - "Нефтчи" 1:2

14 сентябрь: "Сўғдиёна" - "Нефтчи" 0:0

18 сентябрь: "Нефтчи" - "Динамо" 4:1

3 октябрь: "Локомотив" - "Нефтчи" 1:3

Виталий Левченко шогирдлари навбатдаги учрашувни "Олимпик" жамоасига қарши ўтказди. Учрашув 8 октябрь куни Тошкентдаги ЖАР стадионида бўлиб ўтади.

18 октябрда эса Фарғонада водий дербиси бўлиб ўтади: Қайта таъмирдан чиққан "Истиқлол" ўйингоҳида "Нефтчи" Наманганнинг "Навбаҳор" жамоасини қабул қилади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-10-04 10:37:18